

069
y 28

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ
THE CULTURAL LEGACY OF UZBEKISTAN
КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ УЗБЕКИСТАНА



ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ
МОСКВА МУЗЕЙЛАРИ ТЎПЛАМИДА

THE CULTURAL LEGACY OF UZBEKISTAN
IN MOSCOW MUSEUMS

КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ УЗБЕКИСТАНА
В МУЗЕЯХ МОСКВЫ

069
9 28

✓



-4223-

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ

THE CULTURAL LEGACY OF UZBEKISTAN
КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ УЗБЕКИСТАНА

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ МЕРОСИ МОСКВА МУЗЕЙЛАРИ ТЎПЛАМИДА

THE CULTURAL LEGACY OF UZBEKISTAN
IN MOSCOW MUSEUMS

КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ УЗБЕКИСТАНА
В МУЗЕЯХ МОСКВЫ

X

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI



«SILK ROAD MEDIA» • «EAST STAR MEDIA»



TOSHKENT • 2020



Халқаро мақом санъати анжумани,
Шахрисабз ш.

The Maqom Art International Forum,
Shahrisabz.

Международный форум искусства
мақома, г. Шахрисабз.



Халқаро бахшичилик санъати фестивали, Термиз ш.
The International Bakhshi Art Festival in Termez.
Международный фестиваль искусства бахши, г. Термиз.



Халқаро хунармандчилик фестивали, Кўкон ш.
The International Festival of people's applied art in Kokand.
Международный фестиваль народно-прикладного искусства,
г. Коканд.

халқаро ҳамжамият эътиборини жалб қилиш борасида сезиларли натижаларга эришилди.

Бугун мамлакатимиз жаҳонга юз тутмоқда. Бу сиёсат қўшни давлатлар билан муносабатларда, сайёҳлик соҳаси ва гуманитар йўналишларда кўзга ташланади. Жамият ҳаётининг ҳар томонлама янгиликларини фуқаролик жамиятининг фаоллашувида олиб келади, бу эса миллий уйғониш, ўз тарихи ва маданиятини англашдан бошланади.

Ушбу икки муҳим омил – халқаро майдонда очиклик сиёсати ва ижтимоий фаол кучларнинг вужудга келиши мамлакатимиз ҳаётида янги, ажойиб воқеалар – «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» мультимедиа лойиҳасининг пайдо бўлишига олиб келди. Жамоат, подаяват ва халқаро танкилотлар, ижтимоий аҳамиятга молик талбиркорлик тузилмалари унинг ташаббускорлари бўлдилар.

Лойиҳа асоси ушбу қадимий улкан яратилган, аммо баъзи бир ҳолатлар сабаб ҳозирда чет элда – Россия давлати, Европа мамлакатлари,

Елена Титова, Бутунроссия амалий-безак ва халқ санъати музейи директори (Россия):

«Музейимиз бир неча йиллардан бери Лойиҳа иштирокчиси бўлиб келаётганлигидан чин қалбдан мамнунман. 2016 йил ёзида музей кўргазма залларида ҳамкорликдаги ишимиз доирасида Париж (1925 ва 1937 йй.) ва Нью-Йоркда (1939 йй.) бўлиб ўтган Бутунжаҳон кўргазмасида юксак мукофотланган ўзбек усталарининг энг сара асарлари намойиш этилган «Ўзбекистон маданий мероси хазиналари» кўргазмасини ташкил қилдик. Орадан бир йил ўтгач, 2017 йилнинг кузида музейимизда Лойиҳанинг биринчи жилди нэши ва видеофильми тақдиротиға бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Россия, Ўзбекистон, Буюк Британия, Франциянинг етакчи олимларини ўзида жамлади. Мен ўзбек уста-хунармандлари яратган ва Ўзбекистон замини билан чамбарчас боғлиқ бўлган Бутунроссия амалий-безак ва халқ санъати музейи тўпламларидаги асарлар «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳаси доирасида чоп этилаётган ягона фундаментал жилд таркибига кирганлигидан гоятда мамнунман».

Осиё, Америка, Африкадаги турли музейлар ва шахсий тўпламларда сақланаётган Ўзбекистон маданий мероси дурдоналарини каталоглаштириш ва биллишга йўналтирилган. Булар археологик артефактлар, ноёб миниатюраларга эга нодир қўлёмалар, турли хил амалий санъат буюмларидир. Бу каби вазифаларни ҳали дунёнинг бирон-бир мамлакати ўз олдига қўймаган. Ичунун, маданий мерос ҳақида турлиқ маълумот йиғиш унинг чинакам аҳамиятини баҳолаш имконини беради.

Лойиҳа бутун дунё бўйлаб кенг халқаро илмий алоқаларни ўрнатилиши назарда тутади. Унинг фаол ютуқлари хорижда тобора тан олинмоқда. Олимизда энг йирик музей ва кутубхоналар, шахсий коллекциялар эшиклари очилмоқда. Ҳар бир янги қадам билан биз билим йўлида олға оқимлаймиз.

Тўшланган материаллар китоб-альбом шаклида нашр этилади. Уларнинг ҳар бири маълум бир хорижий тўпламда ёки бирон-бир мамлакат тўпламларидаги Ўзбекистон маданий ва маънавий меросига бағишланган. Нашрлардан жаҳон миқёсида тан олинган дурдона асарлар, шунингдек, кенг жамоатчилик ва мутахассисларга унчалик маълум бўлмаган ёки умуман номаълум намуналар ўрин олган. Матн уч тилда – ўзбек, инглиз ва рус тилларида берилган бўлиб,



«Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» туркумидаги китоб-альбомлар.

Book-albums of the series "Cultural Legacy of Uzbekistan in World Collections."

Китоби-альбомы серии «Культурное наследие Узбекистана в собраниях мира».



«Моддий ва номоддий маданий мероси асраш: долзарб муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари» халқаро конференцияси, Самарқанд ш., 2019 й.



The International Conference "The preservation of tangible and intangible cultural heritage: topical issues and strategies to resolve them." Samarkand, 2019.

Международная конференция «Сохранение материального и нематериального культурного наследия: актуальные проблемы и стратегии их решения», г. Самарканд, 2019 г.

имкон қадар кенг китобхонлар аудиториясини камраб олиши мақсад қилинган.

«Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳаси мультимедиа эканлигини ҳисобга олиб, нашр этилган китоб-альбомлар матнига қўшимча равишда махсус тайёрланган видеофильм дисклари илова қилинган. Лойиҳанинг суратга олиш гуруҳи тўпламлари китоб саҳифаларида акс этган мамлакатлар ва музейларда фильмлар устида иш олиб бормоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ноширлик амалиётида биринчи марта китоб-альбомларда китобхонга тўплам ёки маълум бир мавзу ҳақида қўшимча визуал маълумотларни олиш имконини берадиган кенгайтирилган вокелик услубидан фойдаланилди. Планшет ёки смартфон ёрламида махсус белгиларни сканерлаш орқали экранда объектнинг 3D-форматидаги модели, шунингдек, тегишли видео пайдо бўлади. Бундай янгиликлар ўсиб келаётган ёш авлоднинг кенг доирасини илмий-оммабон адабиётларга жалб қилиш имконини беради.

Лойиҳа нашр-ахборот фаолияти билан чекланиб қолмайди. Бугунги кунда у ўз ишидаги ёндашувлар уйғунлигини акс эттирувчи бир нечта янги йўналишларни бирлаштиради. Кенг қўламли нашриёт дастуридан ташқари, фильмлар ва телевизион дастурлар яратилаёти, халқаро конгресслар, медиа тадбирлар ўтказилмоқда, янги гоялар ва йўналишлар ишлаб чиқилмоқда. Мисол учун, «Ўзбекистон обид-

«Ўзбекистон маданий мероси — халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги мулоқотга йўл»
I Халқаро илмий-маданий конгресси каттаишчилари.
Самарқанд ш., 2017 й.

Participants of the First International Scientific and Cultural Congress "Cultural Heritage of Uzbekistan — the Path to Dialogue between Peoples and Countries", Samarkand, 2017.

Участники I Международного научно-культурного конгресса «Культурное наследие Узбекистана — путь к диалогу между народами и странами», г. Самарканд, 2017 г.

Сали Шахсивари, «Al-Furqan» Ислом мероси жамғармаси ижрочи директори (Буюк Британия):

«Мен бир неча бор Ўзбекистонга ташриф буюрганман ва шахсан Президентнинг ўзбек маданиятини сақлаш ва оммалаштиришдаги муҳим ролига гувоҳ бўлганман. Мен ишонаманки, бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган энг муҳим лойиҳалардан биридир. Одамлар бу ходисани «Ўзбек маданияти» ва «Ўзбек мероси» дея таърифлайдилар, бу айни ҳақиқат, у дунё тамаддуни ва дунё маданиятининг жуда муҳим қисмидир. Шундай қилиб, айтиш мумкинки, сиз дунё тарихи ва дунё маданиятининг муҳим қисмини қайта тикламоқдасиз».



ларидаги битиклар» туркуми аллақачон халқаро миқёсда тан олинган, ҳозирда эса «Ўзбекистон фан ва маданияти олимлари асарларида» нашр сериясини чоп этиш режалаштирилган бўлиб, бу йўналиш илгари яратилган, аммо илм-фан учун жуда катта қизиқиш касб этган, ҳозиргача ноёб ҳисобланган монографиялар қайта нашр этилишини кўзда тутадн. Шунингдек, «Ўзбекистон археологик ёдгорликлари картографияси», «Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари картографияси», «Ўзбекистон маҳаллалари» лойиҳаларини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. «Ўзбекистон ёзма ёдгорликларининг 100 дурдонаси» йўналиши доирасида тадқиқотчиларга осон бўлиши учун илмий ва бадний нуқтаи назардан жуда қадри қўлғамаларнинг факсимиллари нашр этилмоқда.

Умуман олганда, «Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида» лойиҳасини Янги Ўзбекистоннинг таъриф қоғози деб аташ мумкин. Бу фуқаролик жамияти, жамоат, давлат ва халқаро ташкилотлар, ижтимоий аҳамиятга молик тадбиркорлик тузилмалари, оммавий ахборот воситалари ва дунёнинг турли мамлакатларидаги олимларнинг сарф-харажатлари бирлашуви маърифат ва таълим соҳаларида мисли кўрилмаган натижаларга эришишига ёрқин мисолдир. Унинг фаолияти ўз маган натижаларга кўра нафақат мамлакатимиз, балки дунё миқёсида ҳам ноёбдир. Халқаро экспертларнинг таъкидлашига кўра, Ўзбекистоннинг бундай кенг қўламли каталоглаштириш ва маданий меросни оммалаштириш борасидаги таърибаси дунёнинг бошқа давлатлари учун намунадир.

Дунё илмий ҳамжамиятининг қўмағисиз ишимиз давомда олға ҳаракатлана олмасдик. Фаолияти мамлакатимиз билан боғлиқ бўлган етакчи тадқиқотчилар, музей ҳодимлари ва коллекционерлар бизнинг ҳамкорлик ҳақидаги мурожаатларимизга ҳайрихоҳлик кўрсатдилар. Қисқа вақт ичида Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ўрганишга жалб қилинган дунёнинг 300 дан ортиқ тўққо олимлари — шарқшунос тар-

Одри Азуле, ЮНЕСКО Бош директори:

«Мерос — бу бизнинг авлодларимиз ва жамиятимиз ўртасидаги боғлиқлик. Бу келажак авлодларга етказилиши, бутун дунё билан бўлиши керак бўлган нарсадир. Бу умуминсоний мерос бўлиб, биз қон-қонимизда буни ҳис қиламиз, шунинг учун биз ушбу меросни асраб-авайлашда барча сарф-харажатларни амалга оширишимиз керак. Бу нафақат Ўзбекистон, балки бутун инсоният учун муҳимдир».